



СУГУРТА КОМПАНИЯЛАРИ ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ

Кенжаев Илхом Ғиёзович

Тошкент молия институтини мустақил тадқиқотчиси, PhD, доцент.

email: ilxomjanovafotima@gmail.com

ARTICLE INFORMATION	ABSTRACT
Volume: 1 Issue: 5 DOI: https://doi.org/10.55439/INSURE/vol1_iss5/a3	Мақолада сугурта компаниялари инвестиция фаолиятининг аҳамияти ва илмий-амалий асослари ёритиб берилган. Сугурта компаниялар ихтиёрида йиғилган бўш маблағларни жойлаштириш имкониятлари асосланган. Макро ва микродаражада сугурта ташкилотларининг инвестиция сиёсатининг аҳамиятини белгилловчи омилларни мажмуали баҳолаш таҳлил этилган. Сугурта компаниялари инвестиция фаолиятига муаллифлик таърифи берилган ва сугурталовчининг инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг стратегик йўналишлари ишлаб чиқилган. Олиб борилган изланишлар натижаси улар оқиломий ва амалий тавсиялар берилган.
KEYWORDS	<i>сугурталовчи, сугурталанувчи, потенциал сугурталанувчи, сугурталовчининг инвестиция фаолияти, сугурталовчининг молиявий ресурслари.</i>

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасининг 2020 йил ва ундан кейинги йилларда иқтисодий соҳасида амалга ошириш зарур бўлган дастур ва мақсадли вазифаларнинг ижросини самарали таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 2 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг сугурта бозорини ислоҳ қилиш ва унинг жадал ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4412-сонли қарори ижросини таъминлаш ва Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг «Инвестицион лойиҳа рискларини таҳлил қилиш ва баҳолаш услубиетини халқаро андозалар асосида такомиллаштириш бўйича қабул қилинган тегишли меъёрий ҳужжатлар сугурта компаниялар инвестицион фаолиятини ривожлантиришда долзарб масалаларни ўз ичига олади.

Шунингдек Республикаимизда фаолият кўрсатаётган сугурта компаниялар сугурта хизмат турларини кенгайтириш, янги шакллари жорий этиш ва шу асосда ялпи ички маҳсулотдаги улушини ошириш ҳамда инвестицион жараёнда фаол иштирокини таъминлаш бўйича самарали ислохотлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз ривожланишининг ҳозирги ҳолати ва давлат иқтисодий сиёсатининг ўзгариб бориши иқтисодийнинг долзарб муаммоларини, жумладан инвестиция билан боғлиқ масалаларни мунтазам қайта кўриб чиқиш ва илмий тадқиқ этишни талаб этади.

Иқтисодий адабиётларда инвестиция фаолияти тушунчасига профессор А.В.Вахабов томонидан талқин қилинган. Унинг фикрига кўра, инвестиция сиёсати инвестиция фаолиятнинг ўрта ва узок муддатли мақсадлари ҳамда уларга эришиш йўллариини белгилаб беради. Инвестиция сиёсати инвестиция стратегиясини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар тизими, инвестицион тактикадир [1].

Шунингдек оқилона инвестиция сиёсати биринчи навбатда, инвестиция жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини шакллантириш орқали барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилиши лозим. Инвестиция сиёсати хорижий ва миллий инвесторларнинг ҳўжалик фаолиятини юритишлари учун қулай шарт-шароитлар яратиши лозим. Шу билан бирга инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда энг муҳими ва хал қилиниши лозим бўлган масалалардан бири четэл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни худудлар бўйлаб мақбул даражада бир текис жойлаштиришдир деб ифода этилган [2].

Тадқиқотни амалга оширишдан мақсад. Қайд этиш мумкинки, бугунги кунда сугурта ташкилотлари инвестиция фаолиятини ривожлантиришдаги асосий муаммолар каторига қуйидагилар кирди:

- сугурталовчининг инвестиция фаолиятини амалга оширадиган ягона услубий ва меъёрий-ҳуқуқий базанинг мавжуд эмаслиги;

- худудларда сугурталовчининг инвестиция фаолият даражаси юқори даражада эмаслиги;

- сугурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини тартибга солишнинг санок усули жами сугурта захиралари активларининг алоҳида синфларга ҳамда алоҳида эмитентларга йўналтириладиган қўйилмаларни фонз кўринишида қонунчилик асосида чегаралаш кўзда тутилмаганлиги;

- сугурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини самарали бошқаришда аутсорсинг тизимини қўллаш яхши йўлга қўйилмаган.

Бугунги кунда инвестиция фаолиятини амалга ошириш жараёнида инвестиция имкониятининг миқдори молиявий ресурсларнинг шаклланиши орқали аниқланади. Яъни амалда улар инвестиция имкониятининг бир қисмидан иборат бўлиб, сугурта ташкилотининг ваколатидаги маблағлар ҳисобланиб, инвестицияга йўналтирилиши мумкин, чунки улар сугурта ва қарз мажбуриятларидан вақтинча бўш маблағлар ҳисобланади.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, сугуртанинг алоҳида тармоғи бўлган ҳаёт сугуртаси билан инвестиция фаолияти самодорлиги ўртасида икки жиҳатли боғлиқлик мавжуд. Бир томондан, самарали инвестиция фаолияти ҳаёт сугуртаси ривожланишига туртки беради. Чунки сугурта полисининг юқори даромадлигини таъминлашга имкон беради ва бу билан бўлажак сугурталанувчини қизиқтириб қўяди. Бошқа томондан, ҳаёт сугуртаси бўйича сугурта захираларининг кўпайиши сугурта компаниясига узок муддатли молиявий ресурсларни тўпланишига имкон беради. Чунки ҳаёт сугуртаси шартномалари узок муддатли ёки ўрта муддатли шартномалар ҳисобланади.

Юқорида санаб ўтилганлардан ташқари, инвестиция фаолиятдан олинган даромад сугурта ташкилоти томонидан капиталлаштирилиши мумкин. Бу ўз навбатида сугурта ташкилотининг хусусий капитали ҳажмини оширади ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлайди ҳамда сугуртахизматлари бозорида ишончга эга бўлиш ва ракобатбардошликни таъминлайди.

Бундан ташқари, сугурта ташкилотларининг фонд бозоридаги актив фаолияти унинг тузилмасига спекулятив операциялар улушини пасайтириш томонга қараб ҳаракат қилиш имконини беради. Бу биринчи ўринда, фақат мўътадил инвестиция сиёсати олиб боришни назарда тутган сугурта фаолиятининг ўзига хослиги билан боғлиқдир.

Макро ва микродаражада сугуртаташкилотларининг инвестиция сиёсатининг аҳамиятини белгилловчи омилларни мажмуали баҳолашбизга уларни тизимлаштириш имконини берди. Ушбу тизимлаштиришни қуйдагича тасвирлаш мумкин (1-расм).

Мамлакатимиздабугунги кунга қадар сугурта бозори етарли даражада ривожланмаган ва ушбу бозорда фаолият кўрсатаётган сугурта ташкилотлари йирик институционал даражасига етмаган. Шу муносабат билан макродаражадаги инвестиция фаолиятининг аҳамиятини белгилловчи омиллар деярли намоён бўлмайди.

Ривожланган мамлакатлар сугурта бозорларида эса ахвол бошқача. Яъни, катта ҳажмдаги молиявий ресурсларга эга бўлган сугурта ташкилотлари банклар ва пенсия фондлари билан бирга йирик инвестор сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Асосий қисм. Кўпгина иқтисодий адабиётларда сугурталовчиларнинг инвестицион жараёнларда иштирок этиш имкониятлари талқин этилган жиҳатларини ҳисобга олиш зарурлиги таъкидланади. Яъни сугурта ташкилоти инвестиция объектларига ихтиёридаги бўш маблағларни йўналтириш чеклаб қўйилмасдан, балки уни хоҳлаган инвестиция объектга ўзи истаган ҳолат бўйича йўналтириш чораларини мувофиқлаштириб бориш лозимлигини таъкидлаш жоиздир. Шу боис сугурта ташкилотлари ихтиёридаги

1-жадвал

Сугурта ташкилотларини инвестиция фаолияти тажрибасининг қисқача шарҳи[6]

Мамлакат	Сугурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини ўзига хос хусусиятлари
Германия	Сугурта ташкилотлари мамлакат иқтисодиётдаги инвестицияларнинг 25 фоизини таъминлайди вауларнинг инвестиция фаолиятиндан олган даромадлари жами даромадларининг 1/5 қисmini ташкил қилади.
Швеция	Сугурта ташкилотларининг муваффақиятли ишлаши шартлари қўлланилади. Улардан бири бўлиб, сугурта ташкилотларининг капитал бозоридagi фаол ҳаракати ҳисобланади. Сугурта ташкилотлари активларининг ярмига яқини ссуда ва инвестициялар шаклидаоблигацияларга жойлаштирилади.
Япония	Аҳоли маблағларини жалб қилиш учун келажакда миллий иқтисодиётда стратегик муаммоларни ечишга қаратилган алоҳидаолинган иқтисодий механизм қўлланилади. Мазкур механизмни қўллашга ҳаёт сугуртаси билан шугулланувчи сугурта ташкилотлари жалб қилинган. Бундан ташқари, аини пайтда улар йирик инвестиция лойиҳаларини амалгаоширишда устувор ҳуқуққа эга.
АҚШ	Алоҳидаолинган штатлар инвестицияларнинг устувор йўналишларини белгилаш ҳуқуқига эга бўлиб, улар ҳозирги вақтда инвестицияларга эҳтиёж юқори бўлган миллий иқтисодиёт соҳаларига молиявий ресурсларни сугурта ташкилотлари томонидан жойлаштирилишини рағбатлантирувчи иқтисодий меъёrlарни белгилаш мумкин.

бўш маблағларни инвестиция объектларига жойлаштириш динамикасидаги ўсиш суръатларига мос тарздаги ва жаҳон андозаларига мос равишда бажарилишини таъминлашга имкон берувчи мос йўналишни белгилаши мумкин.

Микродаражаги инвестиция фаолиятининг аҳамиятини иқтисодчи олимларнинг фикрлари ҳам тасдиқлайди. Иқтисодчи олим Ю.А.Сплетухов ғарб сугурта ташкилотлари фаолиятини таҳлил қилиб, “ракобатли кураш шароитида фойданинг асосий қисмини

улар фақат бевосита операциялардан эмас, балки инвестициялардан олмақда” деб ёзади[3].

Худди ана шундай маънодаги фикрни иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Л.А.Орланок-Малицкая қуйдагича баён қилган: Унинг фикрича инвестиция фаолиятиндан олинadиган фойда сугурта ташкилоти ўзининг сугурта операцияларидан зарар кўрган ҳолда ишлашга имконият беради. Бу унга ракобот шароитида бозорда ўз жойини эгаллашни таъминлайди[4].

Бундан ташқари, сугурта ташкилоти учун инвестиция фаолиятининг аҳамиятини иқтисодиёт фанлари доктори, профессор К.Е.Турбина ўзининг илмий тезиси билан шундай тасдиқланади: “сугурта ташкилотининг инвестиция фаолияти унинг молиявий ҳолатига шу даражада сезиларли таъсир қиладики, кўп ҳолатларда қуйдагиларни қайд этиш мумкин: молиявий йил натижалари бўйича фойда ёки зарар, бу тўғри танланган инвестиция сиёсатининг оқибати, ёрқин аксидир”[5].

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Т.А.Фёдорованинг фикрича: “Инвестиция фаолиятининг натижаси сугурта компаниясининг фойдасига катта таъсир кўрсатади. Шу билан бирга сугуртанинг баъзи бир турлари бўйича инвестициядан олинган фойда зарарни қоплашга керак бўлган сугурта захиралари учун тўлдириш манбаи бўлиши мумкин”[6]. Бу ерда инвестиция ва сугурта фаолиятининг ўзаро алоқаси ҳақида гапириш мумкин. Демак, бошқарув тизимининг мавжуд бўлишини талаб қилувчи инвестициялаш, сугурта ташкилотлари фаолиятида алоҳида йўналиш бўлишига қарамасдан, у сугурта фаолияти ва унинг ўзига хослиги билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқиши лозим.

Ривожланган мамлакатлар сугурта бозорларидаэса ахвол бошқача. Яъни, катта ҳажмдаги молиявий ресурсларга эга бўлган сугуртаташкилотлари банклар ва пенсия фондлари билан бирга йирик инвестор сифатида фаолият кўрсатмоқда. Улар пассив молиявий ресурсларни актив капиталга айлантириб, миллий иқтисодиётга сезиларли таъсир кўрсатади. Бу ҳолат қуйдаги жадвалда тасвирланган (1-жадвал).

Инвестиция сиёсатни ишлаб чиқиш иқтисодиётнинг барча даражаларида амалга оширилиши зарур. Микродаражада инвестиция сиёсати инновацион фаолиятни амалга ошираётган корхоналар, банклар, фондлар, сугурта ташкилотлари ва уй ҳўжаликлари учун ишлаб чиқиши зарур. Шу билан бирга иқтисодий тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантириш, истиқболли лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилган мақсадли инвестиция дастурларини ишлаб чиқиш орқали амалга оширилади. Макродаражада давлат инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чекланган бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, истиқболли тармоқлар ва ҳудудларни қўллаб-қувватлаш, барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириш имконини беради.

Эришилган натижалар. Умуман олганда инвестиция фаолиятини кенгайтиришнинг муҳим омили бу инвестиция муҳитини яратишдир. Инвестиция муҳитини яратиш давлат микёсида ва давлат томонидан турли воситаларни қўллаш (соликлар воситасида, қонунчилик орқали ва бошқа имтиёз ва преференциялар бериш) орқали амалга оширилади. Ушбу воситалар ички ва ташқи инвестицияларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган бўлиши зарур. Инвестиция муҳити - бу хорижий ҳамда ички капитал қўйилмаларнинг қалтислик даражасини ва улардан мамлакатда ва мамлакат ташқарисида самарали фойдаланиш имкониятларини олдиндан белгилайдиган иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва ижтимоий омиллар йиғиндисидир.

Инвестиция муҳити комплекс, кўп қиррали тушунча бўлиб, миллий қонунчилик, иқтисодий шарт-шароитлар (инфляция ёки ўсиш), инфляция даражаси, валюта курсининг барқарорлиги, солиқ сиёсати, божхона режими, валюта сиёсати, ташқи қарздорлик даражаси каби кўрсаткичлар билан белгиланади.

Жаҳон амалиётида мамлакатнинг инвестиция муҳитини баҳолаш борасида турли ёндашувлар мавжуд. Ушбу ёндашувлар бир-биридан инвестиция муҳитини ташкил этувчи омилларни тўлиқ ёки қисман қамраб олиш билан фарқ қилади (2-жадвал).

Жаҳон банки ёндашувига кўра, мамлакат инвестиция муҳитига таъсир этувчи омиллар қуйдагилардан иборат:

- иқтисодий сиёсат ва ҳуқуқий-меъёрий амалиётнинг ҳолати;
- коррупция даражаси;

2-жадвал

Мамлакатнинг инвестиция мухитини келтириб чиқарадиган омиллар[8]

Омиллар	Мазмуни
Иқтисодий ҳолат	Мамлакат тўлов балансининг ҳолати, валюта пул тизими барқарорлиги, ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожланиши, ички бозор сиғими, инфляция даражаси, ялпи ички маҳсулот, саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суратлари
Ҳуқуқий база	Янги шароитларга мос келадиган, мамлакат ва унинг алоқидда тarmoқларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқарадиган формонлар ва қарорлар ҳамда низомлар, йўриқномаларнинг мавжудлиги
Табиий хом-ашё ресурслари	Минерал хом-ашё, ёқилғи-энергетика ва сув ресурслари захиралари, қишлоқ хўжалиги хом ашёси ишлаб чиқариш ҳажмлари
Меҳнатресурслари ва бандлик	Иқтисодий фаол аҳоли сони, банд аҳоли улуши, ишсизлик даражаси, хизматчилар даромади даражаси, кадрларнинг малака даражаси
Ишлабчиқаришнинг техник базаси	Асосий ишлаб чиқариш фондлари, ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси, ускуналарнинг фойдаланиш муддати таркиби, асосий фондларнинг эскириши даражаси
Илмий-техника салоҳияти	Иқтисодиётни ривожлантиришга қаратилган инвестициялар, шу жумладан, хорижий инвестициялар ҳажмлари. Инвестиция тавakkалчилиги даражаси, ишлаб чиқаришнинг техник жиҳозланиши, фан-техника ютуқларидан фойдаланиш ва соҳасини ривожлантириш ҳолати, маҳсулотнинг фан сиғимкорлиги катта ва юқори технологик турларини ишлаб чиқариш
Молия-кредит тизими	Солиқ ва кредит сиёсати, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарининг фойдалилик ва рентабеллик даражаси, нарх сиёсати ва нархни шакллантириш сиёсати
Инфратузилма	Банк тизими ривожланиш ҳолати, транспорт, коммуникация хизматлари ва меҳмонхона хўжалиги соҳалари, товар ва фонд биржалари, маркетинг, консалтинг, аудиторлик хизматлари, сугурта соҳаси тармоқининг ишончилиги
Экологик вазият	Атроф муҳитнинг ifосланиши даражаси, радиацион ва зарарли чиқиндилар

- суд-ҳуқуқ тизимининг сифати;

- жиноятчилик даражаси;

- солиқ юки ва солиққа тортишни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш тизими;

- молия ресурсларни олиш имконияти ва молиялаштириш киймати;

- электр билан таъминланганлик даражаси ва сифати;

- ишчилар малака даражаси ҳамда меҳнат қонунчилигининг сифати.

Таҳлил натижаларини кўрсатишича “Standard & poor’s”, “Moody’s”, “Fitch IBCA” лар жаҳондаги энг йирик рейтинг агентликлари ҳисобланади. Ушбу агентликлар эмитентнинг қарз мажбуриятларини кўрсатилган муддатда ва тўлақонли бажара олиш имкониятлари ҳамда эмитентларнинг кредит бера олиш қобилиятига баҳо берадилар. Агентликлар томонидан ишлаб чиқилган ва тузилган рейтинглар мамлакат инвестиция мухитини маълум даражада баҳолаш имконини беради.

Бугунги кунда юқорида келтирилган халқаро агентликлардан ташқари, кўпгина ривожланган мамлакатларда инвестиция мухитини ўрганувчи, унинг жозибадорлигини баҳоловчи, аниқ хулоса ва маълумотларни инвесторлар учун тақдим этувчи махсус фирмалар, ташкилотлар мавжуд. Масалан Швейцария, Германия каби мамлакатларнинг нуфузли ахборот хизматлари давлатнинг иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳолатини баҳолаш учун ҳар бири “0” дан “12” баллгача бўлган (0-қониқарли ва 12-ўта қониқарли) шкала бўйича баҳоладиган 15 та муҳим кўрсаткични ҳисобга олган “BERI” (business environment risk index) кўрсаткичидан фойдаланади. “BERI” индексига кирган кўрсаткичлар орасида сиёсий барқарорлик (12 балл) муҳим аҳамиятга эга. Умуман олганда “BERI” хизмати бу борада катта обрўй қозонган ташкилотдир. Мазкур ташкилот капитал импорт қилувчи мамлакатлардаги инвестиция мухитини таҳлил қилиб, инвестицияларнинг рисклилиқ даражасини аниқлаб беради. “BERI” хизмати матбуот орқали турлича индекслар билан инвесторлар хорижий мамлакатларга инвестиция қўйишининг хатарлилиги, риск даражасини аниқлаб беради. Ҳозирда бу турдаги хизматларни кўрсатувчи ташкилотлар 55 тадан ортиқ капитал импорт қилувчи мамлакатлардаги инвестиция мухитини баҳоламоқда. Чунки ҳар қандай соҳа объектига йўналтириладиган инвестиция ҳам маълум даража ва кўринишдаги рискка эга. Фақат баъзи соҳа ва унинг объектига йўналтирилган инвестицияда риск даражаси юқори ва бошқаларида пастроқ бўлиши мумкин.

References:

1. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х. Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар, ўқув қўлланма, Т.: Молия, 2010 й

Хулоса

Сугурта ташкилоти инвестиция фаолияти асосида ўзининг сугурта фаолиятининг сифати ва самарадорлигини оширишга эришишнинг муҳим омилларидан бири ушбу фаолиятни ўз вақтида ва тўлиқ баҳолаб бориш ҳисобланади. Сугурта ташкилотини инвестиция фаолиятининг натижадорлигини ошириш асосида сугурта ташкилоти амал қилишининг сифати ошишини аниқлаш учун таклиф этилган кўрсаткичлар тизими сугурта ташкилоти томонидан амалга оширилаётган фаол инвестиция стратегиясининг самарадорлигини баҳолаш имконини беради. Шу билан бирга унинг инвестиция қўйилмалари рентабеллигини аниқлаш, инвестиция ресурсларининг даромадлиги ва сугурта ташкилоти инвестиция портфелининг сифатига боглиқ бўлган инвестиция сиёсатининг самарадорлигини аниқлаш имконини беради. Бундан ташқари, ушбу фаолият, сугурта ташкилоти томонидан амалга оширилаётган инвестиция сиёсатга боглиқ бўлган унинг молиявий фаолияти кўрсаткичларининг ҳам яхшилашига ёрдам беради. Ушбу кўрсаткичлар коэффицентлар асосида ҳисобланади ва таҳлил қилинади.

Сугурта ташкилотининг инвестиция фаоллиги сифатини оширишнинг ички механизмларидан самарали фойдаланишга эришиш учун қуйидаги бир қатор тадбирларни амалга ошириш зарур бўлади:

1. Сугурта ташкилоти томонидан инвестиция объектларига йўналтирилаётган молиявий маблағларининг ҳажмини ошириш учун узок муддатли ҳаёт сугуртаси хизматлари бозорига хусусий ресурсларни жалб қилишнинг фаоллигини ошириш мақсадида:

- миқозларнинг хохишларини ҳисобга олган ҳолда сугурта хизматлари учун сугурта мукофотлар тўлашнинг актуал схемаларини шакллантириш керак. Шу мақсадда вақт оралиғида кўпайиб ёки камайиб борувчи схемаларни ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади;

- инвестиция муносабатларига нисбатан эътибори юқорисугурталанувчилар билан тузилган сугурта шартномаларидан шакллантирилган сугурта захиралари маблағларини инвестиция қилишда, сугурталанувчиларнинг хохишларини эътиборга олиш керак. Шу мақсадда сугурта ташкилоти иткарисида инвестиция фаолиятининг аниқ мақсадларидан келиб чиққан ҳолда алоҳида активлар портфелларини шакллантириш ва улар учун алоҳида ҳисоб юритиш;

- сугурта фаолиятини амалга ошириш жараёнида сугурта захираларини жойлаштириш қоидаларига асосланган ҳолда миқозларга полисли қарзлар беришни кўпайтириш керак. Шу мақсаддан келиб чиқиб, сугурта ташкилотларида ушбу хизматни кўрсатиш қоидаларини қайта кўриб чиқиш, уларни сугурталаш қоидаларига киритиш ва берилган полисли қарзларнинг қатъий ҳисобини юритиш;

- сугурта бизнеси миллий амалиётда сугурта соҳасидан чиқиб кетаётган маблағлар устидан сугурта ташкилотининг назорат функцияси механизмни шакллантириш керак. Шу мақсаддан келиб чиқиб, сугурта ташкилотларига қимматли қозғалар бозоридан инвестиция воситачиси сифатида профессионал фаолиятни амалга оширишга рухсат бериш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги №ПҚ-872-сон қарорига қўшимча равишда сугурта ташкилотларининг қимматли қозғаларини бошқариш соҳасидаги иштирокига ҳам рухсат бериш масаласини киритиш.

2. Инвестиция операцияларига йўналтириш мақсадида хусусий ресурсларни кўпайтириш учун сугурта ташкилотларини инвестиция соҳасидаги самарали сиёсатни амалга оширишлари зарур ҳисобланади.

3. Сугурта ташкилотларининг молиявий ресурсларини жойлаштиришнинг натижадорлигини ҳамда сугурта фаолиятининг сифатини ошириш учун молиявий назорат ва режалаштириш механизмларидан унумли фойдаланиш керак.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасига Мурожаатномаси, 2017 йил 22 декабрь.
3. Сплетугов Ю.А., Дюжиков Е.Ф.Страхование. Уч.пособие М.: НИЦ ИНФРА-М, 2012. С.201.
4. Орланюк-Малицкая Л.А., Янова С. Страхование.-М.: Юрайт. 2012.С.78.
5. Турбина К.Е.Теория и практика страхования, М.: Анкил 2003. С.132 .
- Фёдорова Т.А.Страхование: Учебник. М.:Магистр “Инфра-М”, 2009. С. 695.
6. Фролова В.В. Управление инвестиционной деятельностью Российских страховых компаний. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Краснодар 2013. С.27.